

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Ҳимояга

кафедра мудири

Назаров А.И. _____

« ____ » _____ 2015 й.

БАКАЛАВР БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: «Микроконтроллерлар ёрдамида хонани ёритиш тизимини
бошқарувчи қурилма»**

Битирувчи _____
(имзо)

Рузимои О.Н.
(ф.и.о.)

Раҳбар _____
(имзо)

Тажиёв Ж.А.
(ф.и.о.)

Такризчи _____
(имзо)

Махкамова Р.А.
(ф.и.о.)

ҲФХ
маслаҳатчиси _____
(имзо)

Қодиров Ф.М
(ф.и.о.)

Тошкент - 2015

Мундарижа

Кириш	6
ИНТЕГРАЛ МИКРО СХЕМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.	8
1.1. Интеграл микро схемаларнинг асосий параметрлари. .	9
1.2. Интеграл микро схеманинг актив ва passив элементлари. . .	19
1.3.Яримўтказгич диодлар.	29
I-боб бўйича хулоса.	31
ХОНАНИ ЁРИТИШ ТИЗИМИНИ БОШҚАРУВЧИ ҚУРИЛМА ЯРАТИШ УЧУН ҚУРИЛМАЛАРНИ ТАНЛАШ.	33
2.1 Бошқариш қурилмасини ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари	33
2.2 Аппарат воситалари ишлаб чиқиши ва созланиши.	37
2.3.Дастур таъминотини ишлаб чиқиш ва созлаш. . . .	37
2.4. Аппарат ва дастурий воситалар қўшма созлаш усул ва воситалари.	33
2.5 Микроконтроллерни танлаш	40
II- боб бўйича хулоса.	45
III-БОБ. ЧИРОҚНИ АВТОМАТИК РОСТЛАШ МОСЛАМАНИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ	37
3.1.Қурилмани ишлаб чиқишнинг техник талаблари	37
3.2. Sprint Layout дастурий воситасида қурилма схемасини лойihalаш.	45
3.3.Қурилмани бошқариш учун мобил илова яратиш	52
3.4. Дастур интерфейси ва фойдаланувчига қўлланма	55
III- боб бўйича хулоса.	58
IV-Боб Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.	59

	4.1. Ишлаб чиқариш муҳитида микроиқлимнинг инсон саломатлигига таъсири.	9
	4.2. Фавқулодда ҳолатлар вақтида корхоналарда тургун ишлашини таъминлаш.. . . .	4
	IV- боб бўйича хулоса.	7
	Хулоса.	8
	Адабиётлар рўйхати.	9
	Илова.	0

Кириш

Инсоният турмуш тарзини ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида хар хил тўсиқларга дуч келади ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиролар вужудга келаверади. Лекин хаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони ҳал қилиш жараёнида юзага келади.

Биз сўзсиз компютернинг яратилишни ХХ асрнинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Давр талабига кўра бугунга келиб компютер технологияси жуда ривожланиб кетди. Маълумотларни бошқариш, айниқса, хозирги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумотларни бошқариш тизимларига бўлган талаб кун сайн ортиб бормоқда.

Бугунги кундга келиб мамлакатимизда компютер технологиялари энг нуфузли оринларга котарилмоқда, шу билан биргаликда маълумотларни узатиш телекоммуникатсия тармоқларнинг ривожланиши ва модернизатсияси, Интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти ошмоқда.

Мамлакатимизда Интернет форумлари ўтказиш тобора оддий холга айланиб бормоқда. Сҳаҳарларда ва бошқа аҳолии яшаш жойларида тобора жамоавий интернетга уланиш имконияти яратилмоқда, информатсион хизматларнинг ҳимояси таъминланмоқда ва уларнинг сервиси ҳам ривожланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислон Абдуганиевич Каримовнинг «Жахон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ёъллари ва чоралари» асарида келтирилган фикирлари бўйича, банк тизимини қўллаб қувватлаш, корхоналарни техник жихатдан янгилаш, модернизатсия килиш, ҳамда инноватсион технологияларни тадбиқ этилиши – мамлакатимизни ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда барқарор мавқега эга бўлишини таъминлаш имконини беради [1].

Ҳозирги кунда маълумотларни бошқариш ва уларга ишлов бериш тизимларида масалалар кенг спектрини хал қилувчи микроконтроллерлар тез-тез қўлланилади. Ҳозирги замондаги микропроцессор техника мосламаларининг энг оммавий тури ишлаб чиқаришининг йиллик ҳажми 2,5 млрд. дона ташкил этадиган биттакристалли микроконтроллерлардир (БМК). Битта кристаллда бир бутун қилиб бирлаштирилиб БМКнинг унумли процессор, хотира ва периферия схемалар тўплами яхши таъсир қиладиган тизимлар ва ҳар хил объектлар (жараёнлар) бошқарадиган қурилмаларни минимал харажатлар билан реализация қилинишига имкон беради. Фаолиятида ташқий интерфейс схемалар зарур бўлган оддий микропроцессорлардан фарқли равишда БМКнинг корпусида асосий функционал тугунлар билан бир қаторда такт генератори, таймер, узиб қолувчи контроллер, рақам-аналогли ва аналог-рақамли ўзгартгичлари, кириш-чиқиш порлар каби ёрдамчи тугунлар жойлаштирилган.

Юқори кўрсатилган сифатлари туфайли БМК саноат автоматика тизимлари, назорат-ўлчов асбоблар ва тармоқлар, алоқа аппаратураси, автомобил электроникаси, тиббий асбоб-ускуналар, маиший техника ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади. Биттакристалли микроконтроллерлар қўлланилиши ўрнатилган бошқариш тармоқлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий харажатларни аппарат соҳасидан дастурий соҳасига ўтказиш имкониятини яратиб беради. Бу шубҳасиз микроконтроллерлар дастурий таъминотининг (ДТ) мураккаблигини кўпайишига олиб келади.

Паст тоифали тили – ассемблер тилидан фойдаланиш БМК учун ДТ ишлаб чиқаришининг фазилатидир. Бу ўрнатиладиган тармоқлар реализациясида кескин бўладиган ташқи таъсирига бўладиган реакциясини вақти, маълумотларни ишлаш учун белгиланган процедураларини бажариладиган вақти, дастур кодининг ва маълумотлар доирасининг ўлчамларига боғлиқ.

Дунё саноати микроконтроллерлар жуда катта номенклатурасини ишлаб чиқаради. Қўлланилиш соҳаси бўйича уларни иккита турга бўлиш мумкин: ихтисослаштирилган, битта аниқ соҳада қўллаш учун мўлжалланган (телевизор учун микроконтроллер, модем учун микроконтроллер, компьютер сичқонча учун микроконтроллер) микроконтроллерлар ва универсал, аниқ ихтисосга эга бўлмаган, ҳар хил микроэлектроника соҳаларида қўллаш мумкин бўлган, юқорида кўрсатиб ўтилган мосламалардан бири билан бир қаторда принципиал мосламалар яратилишида ёрдам берадиган микроконтроллерлар.

Битирув малакавий ишининг мавзуси “Микроконтроллерлар ёрдамида хонани ёритиш тизимини бошқарувчи қурилма”.

Ушбу битирув малакавий ишида микроконтроллерлар ёрдамида хонани ёритиш тизимини бошқарувчи қурилма ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, унда микроконтроллерлар Атмега 8, ҳаракатни сезувчи датчик Дур-МЕ003, реле single ва Ардуино UNO қурулмасидан фойдаланиб, қулай ва тижамкор ёритиш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб қилинади:

-схеманинг годдйлигини(таркибий қисмлар минимал миқдори) таъминлаш;

-функционал тўйинганлиги, бошқариладиган параметрлар хилма-хиллиги;

- тармоқ кучланиши ўзгаришларига чидамлилиги, мустаҳкамлик;

- таркибий қисмларнинг қизиши йўқлиги ёки унинг минимал даражаси (ёнғин чиқиш жиҳатидан хавфсизлиги)ни таъминлаш;

- энергияни кам истеъмол қилинишини таъминлаш.

Мазкур ишнинг муҳимлиги ўзининг янгилиги билан фарқ қиладиган ва аввал ишлаб чиқилган аналог мосламалар деярли ҳамма камчиликларини ҳисобга олиб, чироқни автоматик ростлаш мосламаси лойиҳасини ишлаб чиқишидир.

І-Боб. ИНТЕГРАЛМИКРО СХЕМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1.1. Интеграл микро схемаларнинг асосий параметрлари

Тайёрлов операциялари. Яримўтказгич ИМСлар тайёрлаш учун асосий материал бўлган - кремний монокристал қуймалари олишдан бошланади. Монокристал қуймалар ҳосил қилишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

Чохральский усули датаркибига донор ёки акцептор киритмалар қўшилган ўта тоза кремний эритмаси юзига кремний монокристали туширилади. Эритма эритган монокристал ўз ўқи атрофида аста – секин айлантрилиб кўтарилади. Монокристал кўтарилиши билан эритма кристалланади ва кремний монокристали ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган кремний қуймаси n - ёки p -турли электр ўтказувчанликка эга бўлади. Қуйма узунлиги 150 см, диаметри эса 150 мм ва ундан катта бўлиши мумкин.

*Зонали эритиш усули*да монокристал ифлослантриувчи киритмалардан қўшимча тозаланади. Бунда кристаллнинг тор зонаси эритилиб, эритилган зона кристаллнинг бир учидан иккинчи учига аста силжитиб борилади. Киритмаларнинг эриган фазада эрувчанлиги қаттиқ ҳолатдаги эрувчанлигига қараганда катта бўлса, ўша киритмалар суюқ фазага ўтиб кристаллнинг иккинчи учига силжиб боради, ва ўша ерда тўпланади. Киритмалар тўпланган соҳа тозалаш жараёнлари тугагандан сўнг кесиб ташланади.

Эпитаксия. Эпитаксия жараёни асос сиртида унинг кристалл тузилишини такрорловчи юпқа монокристал ишчи қатламлар ҳосил қилиш учун ишлатилади. Асос бунда мустаҳкамликни таъминлаш ва кристалланаётган қатлам такрорлаши зарур бўлган кристалл панжара сифатида хизмат қилади. Кейинги технологик жараёнларда эпитаксиал қатламда ИМСнинг актив ва пассив элементлари ҳосил қилинади.

Газ фазали ва суяқ фазали эпитақсия усуллари кенг тарқалган бўлиб, улар монокристал асос сиртида n - ёки p -турли ўтказувчанликка эга бўлган эпитақсиал қатламлар ҳосил қилиш имконини беради.

Термик оксидлаш. Термик оксидлаш – кремний сиртида оксид (SiO_2) қатлам (парда) ҳосил қилиш мақсадида сунъий йўл билан оксидлашдан иборат жараён. У юқори ($1000\div 1200$) $^\circ\text{C}$ температураларда кечади.

ИМСлар тайёрлашда SiO_2 қатлам бир неча муҳим функцияларни бажаради: сиртни ҳимояловчи қатлам; ниқоб вазифасини бажариб, ундаги тирқишдан зарур киритмалар киритилади; МДЯ – транзисторларда затвор остидаги юпқа диэлектрик қатлам сифатида ишлайди.

Легирлаш. Яримўтказгич ҳажмига киритмаларни киритиш жараёни легирлаш деб аталади. ИМСлар тайёрлашда легирлаш схеманинг актив ва пассив элементларини ҳосил қилиш учун, зарур ўтказувчанликни таъминлаш учун керак. Легирлашнинг асосий усуллари юқори темератураларда киритмалар атомларини диффузиялаш ва юқори энергияли ионлар билан бомбардимон қилиш (ионларни кристалл панжарага киритиш) дан иборат.

Диффузия ёрдамида легирлаш бутун кристалл юзаси бўйлаб ёки ниқобдаги тирқишлар орқали маълум соҳаларда (локал) амалга оширилади.

Ион легирлаш етарли энергиягача тезлатилган киритма ионларини ниқобдаги тирқишлар орқали кристалга киритиш билан амалга оширилади. Ион легирлаш универсаллиги ва осон амалга оширилиши билан характерланади. Ионлар тоқини ўзгартириб легирловчи киритмалар концентрациясини, энергиясини ўзгартириб эса – легирлаш чуқурлигини бошқариш мумкин.

Емириш. Яримўтказгич, унинг сиртидаги оксидлар ва бошқа бирикмаларни кимёвий моддалар ҳамда уларнинг аралашмалари ёрдамида эритиб тозалаш жараёнига емириш дейилади. Емириш яримўтказгич сиртини тозалаш, оксид қатламда “дарча”лар очиш ва турли кўринишга эга бўлган

“чуқурчалар” ҳосил қилиш учун қўлланилади. Яримўтказгич сиртини тозалаш ва “дарча”лар ҳосил қилиш учун *изотроп емириш*дан фойдаланилади, бунда яримўтказгич барча кристаллографик йўналишлар бўйлаб бир хил тезликда эритилади. Баъзан яримўтказгични турли кристаллографик йўналишлар бўйлаб турли тезликда эритиш ва натижада турли кўринишга эга бўлган “чуқурча”лар ҳосил қилиш зарур бўлади. *Анизотроп емириш*билан, масалан, микросхемалар тайёрлашда (элементларни бир – биридан диэлектрик билан изоляциялашда) диэлектрик қатлам ўстирилувчи “чуқурча”лар ҳосил қилинади.

Фотолитография. Яримўтказгич пластинадаги металл ёки диэлектрик пардалар сиртида маълум шаклдаги локал соҳаларни ҳосил қилиш жараёни фотолитография деб аталади. Ушбу соҳалар кимёвий емиришдан ҳимояланган бўлиши шарт. Фотолитография жараёнида ультрабинафша нур таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартирувчи, *фоторезист* деб аталувчи, махсус моддалар ишлатилади.

Фоторезист оксидланган кремний пластинаси сиртига суртилади ва кварц шиша ниқоб орқали ёритилади. Ниқоблар шаффоф ва шаффоф эмас соҳаларга эга бўлгани учун фоторезистнинг маълум соҳаларига ёруғлик (ультрабинафша нур) таъсир этиб, унинг хусусияти ўзгартирилади. Бундай ниқоблар *фотошаблонлар* деб аталади. Фоторезист турига боғлиқ ҳолда унинг эрувчанлиги ортиши (позитив фоторезист) ёки камайиши (негатив фоторезист) мумкин. Позитив фоторезист қатлам ёруғлик нури таъсирида nobарқарор ҳолатга ўтади ва эритувчи таъсирида эрийдиган, негатив фоторезист эса – аксинча, ёруғлик таъсирида эрмайдиган бўлиб қолади, унинг ёруғлик таъсиридан ҳимояланган соҳалари эрийди. Шундай қилиб, фоторезист қатламдан фотошаблондаги шаклни такрорловчи ҳимояловчи ниқоб ҳосил қилинади. Фоторезист қатламда ҳосил қилинган “дарча”лар орқали оксидланган

яримўтказгичнинг химояланмаган соҳаларига кимёвий ишлов берилади (емирилади).

ИМС тайёрлашда фотолитография жараёнидан бир неча марта (5÷7 марта) фойдаланилади (негиз қатламлар, эмиттерлар, омик контактлар ҳосил қилишда ва х.з.). Бунда ҳар гал ўзига хос “расм”ли фотошаблонлар ишлатилади.

Олтига ЭРЭга эга ИМС ҳосил қилишда фотолитография жараёнининг кетма – кетлиги 2.1 – расмда кўрсатилган.

Пардалар ҳосил қилиш. Пардалар ИС элементларини электр жиҳатдан улаш ҳамда резисторлар, конденсаторлар ва гибрид ИСларда элементлар орасидаги изоляцияни амалга ошириш учун қўлланилади.

Пардалар вакуумда термик буғлатиш, материални ионлар билан бомбардимон қилиб учиртиш ёки газ фазадан, сувли эритмадан кимёвий ўтказиш усуллари билан ҳосил қилинади. Ҳар бир усулнинг афзаллиги ва камчилиги мавжуд.

Мисол тариқасида *металлаш*ни – кристалл ёки асос сиртида металл пардалар (схемада элементларнинг ўзаро уланиши, контакт юзачалар, пасив ва актив элементлар электродлари) ҳосил қилиш жараёнини кўриб чиқамиз. Металлаш учун олтин, никель, кумуш, алюминий ва Cr-Au, Ti-Au ва бошқалар ишлатилади.

Кремний асосидаги ИМСларда металлашни амалга ошириш учун асосан алюминийдан фойдаланилади. Нарҳи қиммат бўлмаган ҳолда, кўрсатиб ўтилган металллар каби, у p – кремний билан омик (тўғриламайдиган) контакт ҳосил қилади, кичик солиштирма қаршилиқка эга ва катта токка чидайти. Алюминий вакуумда термик буғлатиш усули билан сиртга ўтказилади. n -турли соҳа билан омик контакт ҳосил қилиш учун ундаги донорлар концентрацияси 10^{20} см^{-3} атрофида бўлиши керак. Бундан юқори концентрацияга эга бўлган соҳа n^+ деб белгиланади. Металлаш жараёни яримўтказгич пластина ҳажмида схема


элементлари ҳосил қилингандан сўнг амалга оширилади. Биринчи навбатда пластина сиртида SiO_2 қатлам ҳосил қилинади. Шундан кейин кремний билан контактлар ҳосил қилиниши керак бўлган жойларда, фотолитография усули билан, SiO_2 парда қатламида “дарча”лар очилади. Сўнг вакуумда термик буғлатиш усули билан пластина сиртида қалинлиги 1 мкм атрофида бўлган алюминий қатлам ҳосил қилинади. Контакт юзачалари ва электр жиҳатдан бирлаштирувчи ўтказгичларнинг зарурий шакли фотолитография усули билан ҳосил қилинади. Алюминий қатламининг ишлатилмайдиган соҳалари емириш усули билан олиб ташланади, сўнгра алюминий билан кремний орасида контакт ҳосил қилиш учун пластинага термик ишлов берилади. Ҳозирги вақтда металлешда электр ўтказувчанлиги алюминийга нисбатан катта бўлган мис ҳам қўлланилмоқда.

Пластиналарни кристалларга ажратиш ва йиғиш операциялари.

Барча асосий технологик операциялар бажариб бўлингандан сўнг, юзларча ва ундан кўп ИСларга эга пластина алоҳида кристалларга бўлинади. Пластиналар лазер скрайбер ёрдамида, яъни тайёрланган ИСлар орасидан лазер нурини юргизиб кристалларга ажратилади.

Ишлатишга яроқли кристаллар қобикларга ўрнатилади, бунда кристал аввал қобикқа елимланади ёки кавшарланади. Сўнг кристал сиртидаги контакт юзачалар қобик электродларига ингичка ($\varnothing 20\div 30$ мкм) симлар ёрдамида уланади. Симлар уланаётганда термокомпрессиядан фойдаланилади, яъни уланаётган сим билан контакт юзачаси ёки микросхема электроди $200\div 300$ °С температурада ва юқори босимда бир – бирига босиб бириктирилади. Монтаж операциялари тугагандан сўнг кристалл юзаси атроф муҳит атмосфераси таъсиридан ҳимоялаш учун қобикланади. Одий интеграл схемаларда чиқиш электродлари сони 8-14 та, КИСларда эса 64 тагача ва ундан кўпроқ бўлиши

мумкин. ИСлар қобиклари металл ёки пластмассадан тайёрланади. ИСларнинг қобиксиз турлари ҳам мавжуд.



1.1 – расм. Фотолитография жараёнининг кетма -кетлиги.

Интеграл микросхема (ИМС) кўп сонли транзистор, диод, конденсатор, резистор ва уларни бир – бирига уловчи ўтказгичларни ягона конструкцияга бирлаштиришни (конструктив интеграция); схемада мураккаб ахборот ўзгартиришлар бажарилишини (схемотехник интеграция); ягона технологик циклда, бир вақтнинг ўзида схеманинг электрорадио элементлари (ЭРЭ) ҳосил қилинишини, уланишлар амалга оширилишини ва бир вақтда гуруҳ усули билан кўп сонли бир хил интеграл микросхемалар ҳосил қилиш (технологик интеграция) ни акс эттиради. ИМС, ягона технологик циклда, ягона асосда тайёрланган ва ахборот ўзгартиришда маълум функцияни бажарувчи ўзаро электр жиҳатдан уланган ЭРЭлар мажмуасидир.

ИМС электрон асбоблар қаторига киради. Унинг электрон асбоб сифатидаги асосий хусусияти шундаки, у мустақил равишда, масалан, ахборотни эслаб қолиши ёки сигнални кучайтириши мумкин. Дискрет элементлар асосида шу функцияларни бажариш учун транзисторлар, резисторлар ва бошқа элементлардан иборат схемани **қўлда йиғиш зарур**. Электрон асбобнинг ускуна таркибида ишлаш ишончилиги аввалам бор кавшарланган уланишлар сони билан аниқланади. ИМСларда элементлар бир – бири билан **металлаш** йўли билан уланади, яъни кавшарланмайди ҳам, пайванд ҳам қилинмайди. Бунинг натижасида йиғиш, монтаж қилиш ишларининг сифатини ошириш масаласи ечилди, катта миқдордаги ЭРЭларга эга радиоэлектрон қурилмалар ишлаб чиқаришда ишончилик таъминланди.

Ҳозирги кунларда тайёрлаш усули ва бунда ҳосил бўладиган тузилмасига кўра ИМСларни бир – биридан принципиал фарқланувчи уч турга ажратилади: **яримўтказгич**, **пардали** ва **гибрид**. ИМСларнинг ҳар тури, микросхема таркибига кирувчи элементлар ва компонентлар сонини ифодаловчи, интеграция даражаси ва конструкцияси билан фарқ қилади.

Элемент деб, конструкцияси бўйича кристалл ёки асосдан ажралмайдиган, ЭРЭ функциясини бажарувчи ИМСнинг қисмига айтилади.

ИМС **компоненти** деб, дискрет элемент функциясини бажарувчи, лекин монтаждан аввал мустақил маҳсулот бўлган ИМСнинг бўлагига айтилади.

Йиғиш, монтаж қилиш операцияларини бажаришда компонентлар микросхема асосига ўрнатилади. Қобиксиз диод ва транзисторлар, конденсаторларнинг махсус турлари, кичик ўлчамли индуктивлик ғалтаклари ва бошқалар содда компонентларга, мураккаб компонентларга эса – бир нечта элементдан ташкил топган, масалан, диод ёки транзисторлар йиғмалари киради.

Элементлари яримўтказгич асоснинг сиртига яқин қатламда ҳосил қилинган микросхемалар **яримўтказгич ИМС** деб аталади.

Элементлари диэлектрик асос сиртида парда кўринишида ҳосил қилинган микросхемалар **пардали ИМС** деб аталади. Пардалар турли материалларни паст босимда юпқа қатлам сифатида ўтказиш йўли билан ҳосил қилинади. Парда ҳосил қилиш усули ва у билан боғлиқ парда қалинлигига мувофиқ ИМСларни **юпқа пардали** (қалинлиги 1-2 мкм) ва **қалин пардали** (қалинлиги 10 мкмдан юқори) ларга ажратилади. Адабиётларда кўп ҳолларда ИМС ёзув ўрнига ИС деб ёзилади.

Ҳозирги кунда пардали диод ва транзисторларнинг параметрлари барқарор бўлмагани сабабли, пардали ИМСлар фақат пассив элементларга (резисторлар, конденсаторлар ва бошқалар) эга.

Пардали технологияда элемент параметрларининг рухсат этилган тарқоқлиги 1÷2 % дан ошмайди. Пассив элементлар параметрлари ва уларнинг барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этганда бу жуда муҳим бўлади. Шу сабабдан пардали ИСлар баъзи филтрлар, фаза ўзгаришига сезгир ва танловчи схемалар, генераторлар ва бошқалар тайёрлашда ишлатилади.

Гибрид ИМС (ёки ГИС) деб умумий диэлектрик асосда жойлашган пардали пассив ва дискрет актив элементлар комбинациясидан иборат микросхемага айтилади. Дискрет компонентлар осма дейилади. Гибрид ИМСлар учун актив элементлар қобиксиз ёки жажжи металл қобикларда тайёрланади.

ГИСларнинг асосий афзалликлари: ишлаб чиқишнинг нисбатан кичик даврида аналог ва рақамли микросхемаларнинг кенг синфини яратиш имкониятидан, кенг номенклатурали пассив элементлар ҳосил қилиш имкониятидан (МДЯ – асбоблар, диодли ва транзисторли матрицалар) ва ишлаб чиқарилаётган микросхемаларда яроқлилар фоизининг кўплигидан иборат. ГИСлар алоқа аппаратларининг қабул қилиш – узатиш тизимларида, юқори частотали кучайтиргичларда, ЎЮЧ қурилмаларда ва бошқаларда қўлланилади.

Ишлатилган транзистор турига мувофиқяримўтказгич интеграл микросхемалар **биполяр** ва **МДЯ ИМС**ларга ажратилади. Ҳозирги кунда $p - n$ ўтиш билан бошқариладиган МТлар асосида яратилган ИМСлар катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу синфга арсенид галлий асосида, затвори Шоттки диоди кўринишида бўлган МТлар киради. Сўнгги пайтда таркибида ҳам биполяр, ҳам майдоний транзисторлар ишлатилган ИМСлар ҳам тайёрланмоқда.

ИМСнинг функционал мураккаблигунинг таркибидаги элемент ва компонентлар сонини кўрсатувчи **интеграция даражаси** билан ифодаланади. Интеграция коэффиценти сон жиҳатдан $K = \lg N$ тенглик билан аниқланади, бу ерда N – схема элементлари ва компоненталари сони (1.1 – жадвал).

1.1 – жадвал

Интеграция коэффиценти	К қиймати	Элементлар сони	ИМС номи
1	< 1	10 тагача	оддий
2	$1 < K \leq 2$	11÷100	ўртача (ЎИС)

3	$2 < K \leq 4$	101÷10 000	катта (КИС)
4-5	≥ 4	> 10 000	ўта катта (ЎКИС)

Оддий ИМСларга мисол сифатида мантиқ элементларни кўрсатиш мумкин. ЎИСларга жамлаш қурилмаси, счетчиклар, оператив хотира қурилмалари (ОХК), сиғими 256-1024 бит бўлган доимий хотира қурилмалари (ДХК) мисол бўла олади. КИСларга мантиқий – арифметик ва бошқарувчи қурилмалар киради. ЎКИС ларга 1,9 миллиард МДЯ – транзисторлардан ташкил топган, сиғими 294 МБ бўлган хотира микросхемалари мисол бўла олади.

Кристаллдаги элементлар жойлашувининг зичлиги – бирлик юзага тўғри келувчи элементлар сони ИС конструкцияси ва технологияси сифатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Технология даражаси минимал технологик ўлчам, яъни эришиш мумкин бўлган энг кичик ўлчам билан ифодаланади, масалан, эмиттер кенглиги, ўтказгичлар кенглиги, улар орасидаги масофа билан характерланади.

ИМСлар ишлаб чиқариш технологиясини мукамаллаштириш жараёнида минимал технологик ўлчам Δ нинг йиллар бўйича ўзгариши 2.2 – жадвалда келтирилган.

1.2 – жадвал

Йил	1999	2001	2003	2005	2007	2009
Δ , нм	180	130	90	65	45	32

Хотира қурилмаларида элементлар жойлашув зичлиги ҳар икки йилда икки марта ортиб бораётганини 1965 йилда Гордон Мур башорат қилган эди. 1.2 – жадвал ушбуни тасдиқлайди.

Функционал вазифасига кўра ИСлар *аналог* ва *рақамли*ларга бўлинади. Аналог ИСларда сигнал узлуксиз функция сифатида ўзгаради. Энг кенг

тарқалган аналог ИС – операцион кучайтиргичдир. Рақамли ИСлар дискрет кўринишда берилган сигналларни ўзгартиришга ва қайта ишлашга хизмат қилади.

1.2. Интеграл микро схеманинг актив ва пассив элементлари

Асосий плата атамаси инглизча мазэ борд сўзидан келиб чиққан. Асосий плата компьютерни кўп томонлама умумий тузилмасини аниқлаб берувчи асосий қурилмаларидан биридир буқурилма, йирик,кўп қаватли плата кўринишида бўлиб,қолган барча қурилмаларни процессор ва бир-бири билан ўзаро алоқасини таъминловчи компонентлардан ташкил топган. Ушбу платагапроцессор билан биргаликда компьютерни барча қурилмалари, унда жойлашган бўлинмалар ёрдамида уланади.

Асосий плата Пентиум4 процессори билан эмас,балки ядроси биланбелгиланадиган уни таркиби билан ишлаши керак.Процессорни аниқ бир моделига қараб асосий платада процессор ўрнатиш учун маълум турдаги бўлинма бўлиши керак ва ушбу бўлинма сокет деб номланади.

Асосий параметри:Такт частотаси,у Герцда ўлчанади, масалан 3ГГц ёки ундан ортиқ.

Пассив электрон компонентларга резистор, конденсатор, индукторлар ва хаттоки электр симлари ҳам киради. Бу компонентлар платанинг қисмлари ҳисобланади. Ҳар бири ўз вазифасига қараб иш бажаради. Бу компонентлар ҳақида кейинги режаларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Резисторлар.

Энг яхши ўтказгичлар ҳам электр токига баъзи бир қаршилиқлар кўрсатади. Резисторлар шундай қурилмаки, улар махсус материаллардан ташкил топган қайсики қаршилиқ оширишга хизмат қиладиган. Масалан, резисторлар углерод ва изоляция материали аралашмасидан ташкил топган.

Углерод ва изоляция материаллари қаршилиқни оширишга хизмат қилади.

Резисторларни яратишнинг бошқа бир усули материалнинг физик жиҳатдан кўринишини ўзгартириши керак, қайсики у қаршилиқни ўзгартириши керак. Чунки резистордаги симли носозлиқларни бартараф этиши керак. Резисторларнинг бир неча турлари мавжуд. Уларда резисторларнинг симли ва углеродли қисмининг носозлиқларини бартараф этиш учун токни чегараловчи симларни бир – бирига уловчи бир неча аралашмалар киритилган.

Резисторлар туридан фарқли равишда ҳаммаси ҳам бир функцияни бажаради. Яъни платда уларнинг барчаси умумий битта вазифани бажаради.

Резисторлар АС ва DC схеманинг қисмлари ҳисобланади. Уларнинг яъни резисторларнинг асосий вазифаси электр тоқини бошқариш ёки электр тоқини кучланишига қаршилиқ кўрсатиш ёки нормаллаштириш вазифасини бажаради.

Резисторлар ОМ қонунига кўра ($V = IR$) ни кучланишни бошқаради. Улар кўпчилик схема, платалар, процессорнинг микросхемаларида ва хотиранинг микросхемаларида электр тоқини кучланишларини бартараф этиш учун қўлланилади. Схемадаги тоқларни бир – бирига узатишда уларни нормаллаштириш, узатиш, кучланишларни бартараф этиш каби функцияларни бажаради. Масалан икки резистор бир хил қаршилиқка эга, лекин тайёрланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларнинг хусусиятлари бир хил схемада ишлатиш орқали аниқланади.


Бу хусусиятлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Яроқлилик жиҳатини баҳолаш фоизларда – ҳар бир 1000 соат ичида резисторларда учрайдиган ўзгаришлар сонини аниқлаб уларни солиштириш йўли орқали ҳисобланади.


Температура қаршилиги коэффиценти ёки ТСР. Резисторни ташкил этувчи материаллар температура ўзгаришига қараб ўзгаради. Қаршилиқларга боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг қийматлари температуранинг коэффицентлари деб аталади. Агар резисторнинг қаршилиги температурага боғлиқ равишда ўзгармаса, унда бу қиймат “0” температурали коэффицентга эга бўлади. Агар резисторнинг қаршилиги температура ошиши ёки пасайишига боғлиқ рақишда ошса, температура кўтарилгандаги қиймати “ижобий” температуравий коэффицент деб аталади. Акс ҳолда яъни резисторнинг қаршилиги камайса, температура камайса бунда бу резистор “салбий” температуравий қийматга эга бўлади. Масалан, оддий ҳолатда ўтказгичлар “ижобий” температуравий коэффицентга эга бўлишади ва оддий ўтказувчилар бўлиб ҳисобланади. Оддий хона ҳароратида изоляторлар камчилик электрон валентликлари озод бўлади.

Бу вақтда резисторларни тайёрлашнинг бир неча услублари мавжуд, уларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Уларнинг ичида юқори даражалилари икки турга бўлинади: фиксирланган ва ўзгарувчи.

Фиксирланган резисторлар. Бундай резисторлар фақат битта қаршилиқ қийматига эга резисторлар ҳисобланади. Фиксирланган резисторлар бир неча турда бўлади ва уларнинг ўлчами уларнинг яратилишига боғлиқ (1.3 - расм). Уларнинг кўринишлари ҳар хил бўлгани билан улар бир хил функцияга ва хусусиятларга эга (1.4 - расм).




1.3 – расм. Фиксирланган резисторлар.



1.4 – расм. Фиксирланган резисторларнинг токни ўтказиш кўриниши.


Фиксирланган кичик резисторлар, уларнинг хусусиятларини ёзиш имконияти кам бўлгани учун уларнинг хусусиятлари ранглар орқали ифодаланган ва бу ранглар орқали резисторнинг хусусиятини аниқлаш мумкин. Ранглар ўзининг махсус кодларига эга ва бу ранглар транзисторнинг танасига чизилган бўлади.

Рангларнинг хусусиятлари 1.5 – расмда кўрсатилган. Кўпчилик ҳолларда фиксирланган резисторларнинг ички шини қисмида радиус бўйлаб ўралган мато(корд) орқали хусусиятларини билиш мумкин (1.6 - расм).



1.5 – расм. Рангли хусусиятлари.

Бундан ташқари резисторларда кодланган кўшимча чизиқлар бўлади. Улар резисторнинг турли хусусиятларини билдиради. Масалан, резистор функционал хусусиятлари, температуравий коэффицентлари бўлиши мумкин. Бундан ташқари фиксирланган резисторлар рақамли ва турли чизиқлардан иборат бўлади. Улар асосан резисторнинг қиймат ва хусусиятларини англатади.



1.6 – расм. Фиксирланган резисторнинг ички ташқи хусусиятлари.


Рангли кодировкани тушуниш учун мисол оламиз, мисол учун углеродли аралашма с 5 ни(1.6 - расм) оламиз қайсики у резисторнинг устки қисмида вертикал жойлашган бу 2 – 4 – расмларда кўрсатилган. 1 ва 2 чизиқлари – бу рақамлар, 3 – чизиқ кўпайтирувчи, 4 – чизиқ ўтказувчанлиги, 5 – чизиқ эса

чидамлилигини билдирувчи чизиклар ҳисобланади. Диққат билан эътибор берсангиз резисторлар чизик қийматлари ва рақамлари билан фарқ қилади. Келтирган мисолимиз бу оддий резистор эди ва бу бизга резистор хусусиятлари ҳақида маълумот беради. Биз жадваллардан фойдаланиб бошқа резисторларнинг хусусиятлари ва бир қанча унинг қисмлари ҳақида маълумотларни билиб олишимиз мумкин.

Биринчи учта чизиклар қизил =2, яшил = 5 ва жигар = x 10. Бунда бу резистор 250 Ω қаршиликка эга бўлади. 2 ва 5 биринчи ва иккинчи рақамлар ҳисобланади. Улар кўпайтириш учун 25 кўринишида ҳисобланади ва учинчи чизик жигар яъни “x 10” кўпайтирувчи ҳисобланади. Резисторнинг қиймати “25” ва “x 10” кўпайтириш орқали аниқланади (25 x 10 = 250).

Диққатни тортадигани қизил рангли чизик ёки \pm белгиси бу 2% ни билдиради ва бу деганики резисторнинг қиймати 2% ошиши ёки камайиши мумкин (250 $\Omega \pm 2\%$). Бешинчи чизик эса мисолда сариқ рангда келтирилган бу резисторнинг ишончилигини билдиради 0.001%. Бу шуни билдирадики, резисторнинг қаршилиги резистор 1000 соат ишлатилганда 0.001%дан 250 $\Omega \pm 2\%$ гача ўзгариши мумкин.


Қўшимча:резисторнинг ташкил этувчи қаршиликнинг умумий йиғиндиси, ОМ да ўлчанган.




1.7 – расм.Фиксирланган резистор с 5 та чизиклари билан.

Ўзгарувчан резисторлар ўзининг узлуксиз қаршилигига қараб ўзгаради ва фиксирланган резисторга қарама – қарши ҳисобланади.

Қаршилиқни кўлда ўзгартириш мумкин. Ўзгартиришни патонциаметр, ёруғликка (ёруғликни сезувчи – фотография резистор), температурада (иссиқлик термистер) ва ҳоказолар орқали ўзгартириш мумкин. 1.8 – расм ва 1.9 - расмларда уларни кўришимиз мумкин. Уларнинг ўхшашлилиги яъни физик жиҳатдан, бундан ташқари уларнинг схематик кўринишлари расмда акс эттирилган.




1.8 – расм. Ўзгарувчан резисторнинг кўриниши ва яратилиши.




1.9-расм. Ўзгарувчи резисторнинг ўзгартирувчилари.

Конденсаторлар. Конденсаторлар одатда ўтказгичлардан ташкил топади. Улар икки параллел металл, иккига ажратилган электр токини ўтказмайдиган қопламали пластиндан ташкил топган. Қайсики улар диэлектрик ҳисобланади яъни бу моддалар эфир, керамика, полиэстир ва шу каби ток ўтказмайдиган моддалардан ташкил топган. Конденсаторнинг кўриниши 1.20 – расмда келтириб ўтилган.



1.20 – расм. Конденсатор.



1.21 – расм. Схепада конденсатор.

Қачонки ҳар бир пластина ўзгарувчи ток манбаи билан уланганда (1.21 – расм) пластиналар рўпарасидаги билан зарядларни жамлайди яъни ижобийси битта платинада ва иккинчисида салбий зарядларни сақлайди.

Электр майдонларини камраб олган электронлар пластинадаги зарядлардан ташкил топади. Электр майдони ички ва ташқи манбаидан олинади, бунга зарядланган пластина ва бундан ташқари пластинадан ташқари манбаидан ҳам олинади. Электр майдони икки пластина оралиғида ташкил топади. Вақтинчалик энергияни сақлаш учун хизмат қилади ва қайта зарядланади. Агар бу икки пластинани кабел кабел орқали уланганда улар зарядланмасди – ёки тўғридан – тўғри ток манбаига уланганда уларнинг қаршилиги ўзгарар эди, ундан кейин пластиналар зарядсизланар эди.

Қисқа қилиб айтганда, конденсаторлар энергияни электр майдонида сақлайди. Резисторлар каби, улар энергия патокларига тўсқинлик қилади. Лекин резистордан фарқли томони энергиянинг бир қисмини атайлаб йўқотади ва одатда AC ва DC схемаларда конденсаторлар AC схемаларда қўлланилади, ва энергияни шу схемага беради, бу жараён қачонки пластиналар зарядсизлангандан сўнг рўй беради. Ихтиёрий икки ўтказувчи, бир – бирига яқин жойлаштирилганда улар конденсатор вазифасини ўташи мумкин. Бу жараён электродлар орасидаги сиғимни ташкил этади. Ушбу жараён айрим

қурилмаларда радио частоталар ёқиш ва бир неча электрон компонентларни ёқиш орқали амалга оширилади.

Махсус схемаларда конденсаторларни қўлланиш хусусиятлари:


Айнан:

- **Сигимнинг температуравий коэффицентини.** Кўпчилик ҳолларда TCR (температура коэффицент сопротивления). Агар конденсаторнинг ўтказувчанлиги температуранинг ўзгаришига қараб ўзгармаса, бу “0” қийматли температуравий коэффицент ҳисобланади. Агар конденсаторнинг сигими бирлиги, қачонки температуранинг ошиши ва пасайишида температура ошса, конденсатор “ижобий” температуравий коэффицентга эга бўлади. Агар конденсаторнинг сигими бирлиги, қачонки температуранинг ошиши ва камийишида температура пасайса, конденсатор “салбий” температуравий коэффицентга эга бўлади.


- **Чидамлилиқ % да,** Конденсаторнинг сигимини ихтиёрий вақтдаги аниқ сигими қийматини беради ва уни + ошириш – камайиш % ларини билдиради .

Резисторлар каби конденсаторлар схемага интеграллаштирилган бўлади.

Кўпчилик конденсаторлар туридан фарқли ўзгарувчан, керамик, электролитик, эпоксидли смоладан ташкил топган бўлади (1.22 – расм).




1.22 - расм: Конденсаторлар.




1.23 – расм.Конденсаторнинг шартли белгилари.

Индукторлар. Индукторлар конденсаторлар каби электр энергиясини ўзида AC схемаларда сақлайди. Конденсаторлар энергияни вақтинча электр майдонда сақлар эди, индукторлар эса жнергияни вақтинча магнит майдонда сақлайди. Бу магнит майдонлар электронларни аралаштириш натижасида ташкил топади ва электр токи билан ўралган ҳалқасимон кўринишини шакллантиради(1.24- расм). Электрон потокнинг йўналиши магнит майдон йўналишини аниқлайди(1.25 - расм).



1.24 – расм. Магнит майдон




1.25 – расм. Магнит майдон йўнали.

Барча материаллар, ўтказгичлар ҳам бир қанча қаршиликлар кўрсатади ва шу аснода энергиянинг бир қисмини чиқариб юборади. Кабелларни ўраб олган


энергиянинг бир қисми магнит майдонда сақланади. Бунинг индуктивлиги шундаки энергиядан магнит майдонда сақлайди.

